

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁХВАНДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

*А. Х. Адхамов**

Гиёхвандлик бугунги кунда инсоният учун энг хавфли ва оғир оқибатларга олиб келадиган иллатдир. Бу касалликнинг олдини олиш, ундан халос бўлиш, жамият олдида турган муҳим вазифадир. Чунки гиёхвандлик нафақат шахснинг ўзи учун фожиали, балки атрофдагилар, шахс яшаётган жамиятдаги барча қатламдагиларга ҳам хавф туғдирувчи иллатдир. Мамлакатимизда гиёхвандлик муаммоси асосан XX асрнинг 90-йилларидан юзага келган. Чунки ўша даврда вазият гиёхвандлик ва наркотикларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашда моддий таъминот ва етарлича тажриба йўқлиги натижасида мураккаблашган эди.

Бироқ, наркожиноятчилик билан кураш самарадорлигини оширишда фақат куч ишлатиш ва маъмурий чораларни қўллаш билан чекланиб қолмаслик керак. Чунки наркотик моддаларнинг асосий объекти ёшлар оммаси ҳисобланади. Шунинг учун тақиқлаш чоралари синчковлик билан амалга оширилиши лозим.

Ички ишлар органларининг фаол саъй-ҳаракатлари, оператив-хизмат фаолияти натижасида сўнги йилларда республикаимизда умумий жиноятчилик даражаси пасайиб бормоқда.

Республика худудида гиёхвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатларнинг йилдан йилга кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, сўнги беш йилда ноқонуний муомала қарийиб 62 фоизга, ноқонуний муомаладан олинган гиёхвандлик воситалари саккиз баробарга, янги пайдо бўлган синтетик наркотикларнинг ноқонуний муомаласи 270

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими.

баробарга, кучли таъсир қилувчи дорилар
21 фоизга кескин ошганлигини кўришимиз мумкин¹.

Энг ачинарлиси, ушбу ҳолатлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшларнинг улуши 74 фоизга, уларнинг ичида талабалар 21 фоизга, мактаб ўқувчилари олти баробарга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган истеъмолчилар 60 фоизга кўпайган².

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда гиёҳванд воситалари билан қўлга олинган 30 ёшгача бўлган шахсларнинг 97 нафарини талабалар ташкил қилган. Сўнгги 5 йилда республикада наркотик моддалар савдоси учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган.

Гиёҳванд, психотроп ва психофаол моддаларни истеъмол қилиш Ўзбекистонда сўнгги беш йилда кескин ошган. Хусусан, наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган³. Республикамиз бўйича 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида умумий жиноятлар сони 2023 йил мобайнида ўтган 2022 йилга нисбатан 5,5 фоизга камайишига эришилган бўлсада, умумий жиноятлардаги салмоғи ҳамон юқориликча қолмоқда⁴. Мазкур статистик маълумотдаги 5,5 фоиз камайишни, республикамиз ички ишлар органларининг вояга етмаган ёшлар ўртасида олиб борилган комплекс профилактик ва ҳамкорликдаги тадбирлари натижалари сифатида кўришимиз мумкин. Бироқ, ҳали жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган турига ва гиёҳвандликка қарши кураш соҳасига тааллуқли катта вазифалар турибди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар сифатида вояга етмаган ёшларнинг ярми айнан Тошкент шаҳрига тўғри келиши

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 25 декабрдаги 2995 рақамли таҳлилий маълумот хати.

² Ўша манба.

³ <https://kun.uz/kr/news/2024/03/06/zamonaviylashayotgan-narkotik-savdosi-va-istemoli-xavotirli-raqamlar>. (Мурожаат санаси 10.04.2024)

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар Марказининг 2023 йилдаги маълумоти.

мамлакатимиз пойтахти бўлган шаҳардаги вазият бирмунча оғриқли эканлигидан далолат бермоқда. Шунингдек гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни содир этганлиги учун ушланган вояга етмаганларнинг улуши ҳам 2023 йилда олдинги йилга нисбатан 27,7 фоизга⁵ ошганлиги вояга етмаганлар орасида тезкор-профилактик тадбирларни кучайтириш заруратини кўрсатмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашда муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Наркобизнес минтақалараро ва трансмиллий миқёсдаги уюшган жиноятчилик кўриниши сифатида нафақат жиноий, балки сиёсий тусга ҳам эга бўлиб бормоқда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказининг 2023 йил 12 ойлик ҳисобот маълумоти.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш ҳаракатлари билан оддий деҳқонлардан бошлаб, уюшган жиноий гуруҳларгача бўлган доирадаги шахслар шуғулланмоқда. Бу уюшмаларнинг ҳаракатлари яширин кўринишга эга бўлиб, нафақат ўрта Осиёнинг, балки бошқа МДХ давлатларига ҳам тарқалган. Бу уюшган гуруҳларнинг иштирокчилари томонидан йиллар мобайнида гиёҳвандлик воситаларни олиб ўтиш ҳаракатлари ва йўналишларига ишлов бериб келмоқда ва улар почта хат хабарларини юбориш йўллари, ҳаво, темир йўл, автомобиль транспорти йўлларида бевосита фойдаланиб келмоқдалар.

Гиёҳвандлик воситаларни олиб ўтишда ҳар томонлама яшириб олиниб ўтказилади ва уларни ҳид бўйича топиб олмаслиги учун ниқоблайдилар, яъни коптокларга, кийимга тикадилар, сабзавот ва мевалар орасига қўядилар, металдан ишлаган ҳажмли буюмларга яширмоқдалар. Мазкур турдаги Ушбу жиноятлар билан кўпинча эркаклар шуғулланмоқдалар ва фақат шуғулланувчиларнинг 7,2 фоизини аёллар ташкил қилмоқда⁶.

Вояга етмаганларнинг ушбу жиноятларни содир қилиш ҳажми фақат 0,8 фоизни ташкил этади. Кўпинча бу жиноятларни содир қилишда уларнинг учдан бир қисми оддий ишчи сифатида иштирок этадилар. Жавобгарликка тортилганларнинг қолган қисмини олий ўқув юртларининг талабалари, мансабдор ва моддий жавобгар шахслар ташкил этади. Маълумотига кўра аксарият жиноятчилар ўрта ва тўлиқ бўлмаган олий маълумотга эга шахслардан иборат.

⁶ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказининг 2023 йил якунига оид жиноятчилик статистикаси маълумотномаси.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки уларнинг орасида икки ва кўп мартаба муқаддам судланганлар ташкил қилади ва улар камида 5-6 йил жазони ўташ жойларида бўлганлардан иборат. Бу жинойтларга мойил бўлган шахслар 18 дан 30 ёшгача бўлиб, бошқа гуруҳга эса, 31 дан 40 ёшгача бўлган шахслардан иборат. Наркобизнесни амалга оширувчи тузилмалар асосан бир мақсад сари ҳаракат қиладилар. Улар ёшларга руҳан таъсир кўрсатиб, барча имкониятларини ишга солиб, наркотикларга бўлган талабни оширишга интиладилар. Шу боис мазкур ижтимоий иллатга қарши курашда бевосита жамият турли қатламлари, ижтимоий институтлар ва давлат органларининг кучларини бирлаштириш орқали эришиш мумкин.

Шунга кўра, профилактик фаолиятни кенгайтириш, яъни, наркотикларнинг ноқонуний тарқалиши ва истеъмол қилинишининг олдини олиш турли усулларга қаратилган бўлиши керак.

Бу профилактик ишлардан мақсад наркотикларга бўлган талабни пасайтириш, гиёҳвандларни даволашнинг янги йўллари ва усулларини топиш, гиёҳвандларнинг тиббий ва ижтимоий реабилитациясини амалга ошириш зарур.

Ҳозирги даврдаги энг долзарб муаммолардан бири гиёҳвандликнинг ва наркожинойтчиликнинг ўсиши ҳисобланади. Халқаро нарко тизимнинг экспансияси давом этмоқда, бу хавф билан тўқнаш келмаган биронта ҳам давлат қолмаган. Гиёҳвандликнинг тарқалишини жиддий қонунлар ҳам тўхтата олмаяпти. Гиёҳванд моддалар янгидан-янги ҳудудларни қамраб олиш, беҳисоб қурбонлар эвазига осонлик билан барча тўсиқларни енгиб ўтиб, қатъият билан тарқалиб бормоқда.

2016 йилдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра, кенг истеъмол қилинаётган наркотик модда каннабис (деярли 200 миллионга яқин киши) ҳисобланади, ундан кейинги ўринни амфетаминларга мансуб стимуляторлар (тахминан 50 миллион киши) эгаллайди. 14 миллионга

яқин киши кокаин ва 16 миллион киши эса опиат, шу жумладан, 10 миллион киши героин истеъмол қилади⁷.

Наркотикларга мойил шахсларнинг ёши 35 ёшдан ошмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, гиёҳвандлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолининг энг маҳсулдор қисмини такрор ишлаб чиқариш жараёнларидан четга суриб, тўғридан-тўғри таъсир қилиши равшандир. Наркотик моддаларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши ҳар бир ҳудудда турли кўринишларда амалга оширилган.

Агарда Жанубий ва Шимолий Америка, Осиё ва Африканинг кўпчилик давлатларида бу муаммо XX аср 60-йилларидаёқ миллий фалокат сифатида тавсифланган бўлса, Европанинг кўпчилик мамлакатларида (масалан, Франция, Италия, Испания, Греция, Буюк Британияда) у ҳали биринчи даражали ўринга чиқмаган. 70-йиллар мобайнида бутун дунё бўйлаб гиёҳвандликнинг жадал ўсиши рўй берди ва вазият ўзгара бошлади.

Уюшган жиноятчиликнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланган наркобизнеснинг миқёси кенгая бошлади. Шу боис наркотик моддаларни истеъмол қилувчиларнинг таркиби ҳам ёшара бошлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимиз ички ишлар органларининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш хизмати томонидан спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчилар билан олиб бориладиган тезкор-профилактик тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

–Маҳаллаларда ва таълим муассасаларида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва диний — экстремизм каби иллатларнинг аянчли оқибатлари мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиши ва бошқа тадбирларни ташкил қилиши;

–вояга етмаганларни спиртли ичимлик, гиёҳванд ва шахснинг ақл— идроки, иродасига таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга

⁷ Черкасов В.В. Об итогах оперативно-служебной деятельности ФСКН России на 2016 год. №18. - М., 2010. – С. 7.

ундаётган шахсларни аниқлаш борасида тегишли хизмат соҳалари билан биргаликда тадбирлар ўтказиб бориш;

–спиртли ичимликлар, гиёҳванд ва шахсларнинг ақл-идроки, иродасига таъсир қиладиган моддалар, воситалар вояга етмаганлар қўлига қандай етиб бораётганлиги тафсилотларини аниқлаш;

–ВЕОҲООБ (гуруҳи) ички ишлар органларининг бошқа хизматлари билан биргаликда «ичкиликбозлик», «гиёҳвандлик» касалликларига дучор бўлган ота оналарнинг муомала лаёқатини чеклаш, ота оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш.

Гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишга қарши профилактиканинг ғарб тажрибасидан МДҲ давлатларида фойдаланиш жуда қийин. У ёки бу усулни кўчириб ўтказишга Ҳамдўстлик давлатларининг иқтисодий имкониятлари тўғри келмайди.

Бироқ гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш профилактикаси бўйича қуйидаги бир қатор тадбирларни универсал деб қабул қилиш мумкин:

1) хорижий тажриба кўрсатадики, наркомафия билан самарали курашмасдан туриб, наркотикларни нотиббий қабул қилиш муаммосини ечиш мумкин эмас. Бунинг учун жиноий гуруҳлар билан курашишнинг самарали қонунчилиги ва ишончли халқаро ҳамкорлик зарурдир;

2) жаҳон тажрибаси таъкидлайдики, наркотикларни истеъмол қилишга ва уларнинг ноқонуний айланишига таъқиқларнинг олиб ташланиши жиноий гуруҳлар фаолиятига қарши туришнинг самарали усули ҳисобланмайди;

3) шубҳасиз, наркотикларни истеъмол қилиш профилактикасининг муҳим йўналиши ўсиб келаётган авлоднинг руҳий-ахлоқий ривожланиши, маданий ва диний тарбия, таълим ва маданият даражасининг кўтарилиши ҳисобланади;

4) кўпгина давлатларда гиёҳвандликка қарши ташвиқот самарали юритилади. Бу ишда жамиятнинг деярли барча соғлом қатламлари иштирок этади. Энг юқори самара катта қийинчиликлар эвазига наркотикларга мойилликдан қутулган шахсларнинг фаолияти саналади;

5) соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спорт – булар наркотикларни истеъмол қилиш йўлидаги сезиларли тўсиқлардир. Бу ҳақда давлатнинг қайғуриши кўплаб ёшларни наркотик истеъмолидан қутқариб қолади;

б) наркоманларни даволаш ва уларни реабилитациядан ўтказишнинг ривожланган тармоқлари мавжудлиги, шунингдек, кенг миқёсли илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳам гиёҳвандликка қарши курашни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Наркотикларга мойилликнинг юзага келиши, тарқалиши ва гиёҳвандликнинг профилактикаси билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганиш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш жуда муҳимдир.

Таълим дастурлари барча умумтаълим мактаблари, бошланғич, ўрта ва олий ўқув юр்தларининг ўқув жараёнларига жорий этилиши керак. Таълим дастурлари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган маданий тадбирлар тизими билан тўлдирилиши лозим.

Ёшлар психикасининг юқори даражадаги жунб0438шга келувчанлиги, уларнинг фаол ўзаро муносабатларга интилишини ҳисобга олиш зарурдир.

Бир томондан, бу ёшларни наркотикларга мойилликка жалб этилиши эҳтимолини оширса, бошқа томондан агар бу тадбирлар эмоционал туйғуларни уйғотишга йўналтириладиган бўлса, гиёҳвандликка қарши ташвиқотнинг таъсирчанлигини орттириш имконини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши курашиш нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаларидан биридир. Шундай экан, бу иллатнинг вояга етмаганлар ва ёшлар орасида кундан-кунга тарқалиб бораётганлиги жуда ташвишли ва чуқур илмий таҳлил асосида ўрганишни ҳамда унга қарши кескин чоралар кўришни талаб этмоқда. Шунингдек, ушбу машаққатли йўлда тезкор бўлинмаларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, тезкор-қидирув фаолиятининг куч ва воситалари, тезкор-қидирув тадбирларини фаол қўллаган ҳолда ҳаракат қилиш ҳамда ҳалқаро ва миллий даражадаги ҳамкорликни янада такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.